БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 223 (19.599). • 1986 йил 2 октябрь, пайшанба • Баҳоси 3 тийин.

# КПСС Марказий Комитетида

КПСС Марказий Комитети 1986 йил 25 сентябрда «Ўртоқ М. С. Горбачевнинг Краснодар ва Ставрополь ўлкаларига қилган сафари якунлари тўғрисида» қарор қабул қилди. Қарорда 1986 йил 17—19 сентябрь кунлари Краснодар ва Ставрополь ўлкалари партия активлари ва меҳнаткашлари билан бўлиб ўтган учрашувларда айтилган қоидалар ва хулосаларнинг принципиал аҳамияти таъкидланади. Ана шу учрашувларда қайта қуришнинг реал манзараси тасвирлаб берилди, унинг дастлабки якунлари ва натижалари чиқарилди, қайта қуришни собитқадамлик ва изчиллик билан амалга ошириш вазифалари белгиланди. Баён қилинган хулосалар XXVII съезднинг қайта қуришнинг революцион, кенг қамровли хусусиятлари ҳақидаги йўл-йўриқларини ривожлантиради, уларни ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларига — экономика, социал муносабатлар, сиёсий устқурма, маънавий турмуш, партиявий давлат ва хўжалик ишларига татбиқ этишда конкретлаштиради. Қайта қуриш бир марталик иш эмас, дарҳол бажариладиган иш эмас, балки муайян тарихий давр доирасида давом этадиган жараён эканлиги ҳақидаги кўрсатма партия фаолияти учун муҳим роль ўйнайди.

Қайта қуриш, деб таъкидланади қарорда, социалистик тузумимизнинг ички резервлари ва имкониятларини сафарбар этишнинг асосий воситаси, КПСС XXVII съезди йўлини ҳаётда амалга оширишнинг сўзсиз шартидир. Партия қайта қуриш жараёнини йўналтириб ва ташкил этиб, халқ оммасининг жонли ижодига, уларнинг амалга оширилаётган ўзгартишлардан чуқур манфаатдорлигига асосланади. Меҳнаткашлар кечаги ютуқлар билан кифояланиб қолишни, камчиликлар, салбий ҳодисалар билан муроса қилишни хоҳламайдилар. Жамият ҳаётида фан-техника тараққиёти ютуқларидан фойдаланиш юзасидан амалга оширилаётган катта чора-тадбирлар, бошқарувни ислоҳ қилиш, муҳим социал проблемалар томон бурилиш, янги маънавий муҳитни вужудга келтириш билан боғлиқ бўлган жиддий ўзгаришлар юз бермоқда.

Шу билан бирга КПСС XXVII съезди, Марказий Комитет июнь Пленумининг кўрсатмалари янгиланиш йўли етарли жўшқинлик билан амалга оширилмаяпти. Умуман жамият ўзгаришлар қилишга қатъий аҳд қилган бўлса-да, қайта қуриш жараёни мураккаб, зиддиятлар билан, нотекис давом этмоқда, турли социал-психологик ва ташкилий ғовларга тўқнаш келмоқда, ўзининг худбинлик манфаатларини кўзлаб умри тугаган тартиблар ва имтиёзларни сақлаб қолишга уринаётган кимсаларнинг қаршилигига дуч келмоқда. Бошқарув аппарати ишида бюрократчасига талқин, интизомсизлик ва масъулиятсизлик қайта қуриш йўлида тўсиқ бўлмоқда.

КПСС Марказий Комитети таъкидладики, янгиликнинг эскилик билан кураши давомида танқид ва ўз-ўзини танқид, жамият ҳаётининг ҳамма соҳаларини демократиялаш асосидаги ошкоралик шароитидагина, ҳар бир меҳнат коллективида, партия ташкилотида, ҳар бир областда, республикада, тармоқда, умуман партия ва жамиятда ҳар бир киши ўзини мамлакат хўжайини деб ҳис этадиган, умумий иш учун ўз масъулиятини чуқур англайдиган, ўзининг гражданлик позициясини намоён қиладиган шароит яратилгандагина қайта қуриш таъминланади. Коммунистларнинг, барча меҳнаткашларнинг партия, давлат, жамоат ташкилотларининг, планлаштириш ва хўжаликни бошқариш органларининг, меҳнат коллективларининг диққат-эътибори ўн иккинчи беш йиллик вазифаларининг ҳал этилишига қаратилиши лозим. Мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш ишида ўн иккинчи беш йиллик ғоят муҳим роль ўйнайди.

Иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларига, ўлка, область, шаҳар, район партия комитетларига, бошланғич партия ташкилотларига ҳар бир меҳнат коллективида, раҳбарлик ва бошқарувнинг ҳамма даражаларида қайта қуришнинг боришини пухта таҳлил этиш, унинг кўламини ошириш, ҳар бир соҳада иш яхшиланиш сари ўзгаришига, кишилар ўзларини дадил ҳис этиб, ғайрат билан ҳаракат қилишларига эришиш топширилди. Ошкораликни, демократизмнинг ҳамма формаларини бутун чоралар билан кенгайтириш, қуйидан бўладиган контролни кучайтириш, коммунистларни ҳам, регион, тармоқ, корхона меҳнаткашларини ҳам ташвишга солаётган долзарб масалаларни йиғилишларда, матбуот саҳифаларида кўтариб чиқиш керак.

Партия органлари ўзларининг ташкилотчилик, сиёсий ва идеологик фаолиятларининг бутун услуби билан қайта қуришда жамиятга намуна кўрсатишлари, камчиликларни тузатишга қаратилган, қимматли таклифлар ва тажрибаларни ўз ичига олгап, меҳнат коллективларининг, социалистик тузумимизнинг имкониятларини очиб берадиган ҳамма нарсани рағбатлантиришлари керак. КПСС Марказий Комитети бу ишда маҳаллий партия органларига, бошланғич партия ташкилотларига алоҳида ўрин ажратилишини, сиёсий йўлни реал ҳаёт билан боғлашда, партия директивларини тўла-тўкис амалга оширишда уларнинг зиммасига жуда катта иш тушишини кўрсатиб турибди.

Қайта қуришни ҳам қуйидан, ҳам юқоридан олиб бориш зарур. Бошқарув органлари фаолияти халқ оммаси ташаббускорлигини ривожлантиришга ёрдам бермоғи лозим. Бироқ Марказий Комитет ва ҳукуматнинг шу соҳадаги муҳим сиёсий қарорлари кўпинча министрликлар ва идораларнинг сусткашлигига дуч келмоқда, улар эски одатларни базўр тарк этмоқдалар, ҳуқуқларни корхоналар ва бирлашмаларга топширишга шошилмаяптилар, жойларга жуда кўп фармойишлар юбориб, конкрет топшириқлар ва вазифаларни белгиланган муддатда ҳал этмай, ўзларини актив иш олиб бораётган қилиб кўрсатмоқдалар. Министрликлар ва идоралар фаолияти хўжалик юритишнинг янги шароитларини яратишга, раҳбарликнинг иқтисодий методларини ишлаб чиқиш ва кенг қўлланишга, меҳнаткашларни ишлаб чиқаришни бошқаришга фаол жалб этишга бўйсундирилган бўлиши лозим.

КПСС Марказий Комитети марказий органларнинг қарорларини бажариш жойларда навбатига қараб кейинга суриб қўйиладиган эски яроқсиз практикага чек қўйиш зарурлигини уқтириб, бундай хавфли йўлга ўтувчи раҳбарлар шахсан партиявий жавобгарликка тортилишини огоҳлантирди.

Партия, совет, жамоат ташкилотларига, хўжалик органларига, газета ва журналлар, телевидение, радио редакцияларига кишиларнинг ижодий активлигини бутун чоралар билан ривожлантириш, камчиликларни танқид қилиш даражасини пасайтирмаслик, ишнинг бўшлигига айбдор бўлган конкрет кишиларни четлаб ўтмаслик, янги, илғор нарсаларни қатъий қўллаб-қувватлаш, қайта қуриш вазифасини чуқурроқ ўрганиш, унинг ижодий жиҳатларини тўлароқ кўрсатиб бериш таклиф қилинди.

Қарорда КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг Кубань ва Ставрополдаги учрашувлари ҳамда суҳбатлари совет кишиларининг СССР ташқи сиёсати масалаларига — тинчлик сиёсатига зўр қизиқиш билан қараётганликларини, кенг халқ оммаси бу сиёсатни тўла қўллаб-қувватлаётганлигини ишончли тарзда намойиш қилганлиги таъкидланади.

Бу учрашувлар партия ва халқ бирлигининг буюк кучини, уларнинг меҳнат кишиси, коммунизм идеаллари манфаатлари йўлида социалистик жамиятимизни янада қудратли ва жозибали қилишга аҳду-паймонларини такрор-такрор кўрсатди.

# ЯНГИЧАСИГА ФИКРЛАШ ВА ИШЛАШНИ ЎРГАТАЙЛИК

***Ижтимоий фанлар кафедралари мудирларининг Бутуниттифоқ кенгаши***

Ижтимоий тараққиёт суръатлари, мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш кўп жиҳатдан халқнинг ғоявий-сиёсий етуклигига боғлиқ. Марксизм-ленинизм назарияси билан қуролланган, уни амалда қўллашни биладиган, янгича фикрлаш ва ишлаш қобилиятига эга бўлган мутахассисларни тайёрлашда олий ўқув юртлари муҳим роль ўйнайди. Бу ўқув юртлари фаолиятининг аниқ йўл-йўриқлари замонамизнинг чинакам революцион характери билан белгиланган.

1 октябрь куни Москвада, Катта Кремль саройида очилган Бутуниттифоқ кенгашининг қатнашчилари КПСС XXVII съезди қарорлари асосида ижтимоий фанлар кафедраларининг вазифаларини муҳокама қилмоқдалар.

**М. С. Горбачев, Г. А. Алиев, А. А. Громико, Л. Н. Зайков, Е. К. Лигачев, М. С. Соломенцев, В. М. Чебриков, В. И. Долгих, Б. Н. Ельцин, Н. В. Талызин, А. П. Бирюкова, А. Ф. Добринин, М. В. Зимянин, В. А. Медведев, В. П. Никонов, Г. П. Разумовский, А. Н. Яковлев, И. В. Капитонов** ўртоқларни кенгаш аҳли қарсаклар билан кутиб олди.

Кенгаш ишида СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари, КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудирлари, иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларининг, ўлка ва область партия комитетларининг секретарлари ҳамда фан ва ўқув юртлари бўлимларининг мудирлари, олимлар, бир қанча министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари, мамлакат етакчи олий ўқув юртларининг ректорлари ва партия ташкилотларининг секретарлари қатнашмоқдалар.

Кенгашни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев очди. Унинг нутқи зўр эътибор билан тингланди ва давомли қарсаклар билан бўлиниб турди.

(Давоми иккинчи бетда).

# Ўртоқ М. С. ГОРБАЧЕВ нутқи

Ҳурматли ўртоқлар!

Аввало мен сизларни партия Марказий Комитети номидан самимий табриклаб, кенгашингизга муваффақиятлар тилайман. Биз бу кенгашга катта аҳамият бермоқдамиз.

Давр турмушнинг барча соҳаларида ташаббускорлик, ижодкорликни тақозо этмоқда. Бу давр ўзининг янгилиги ва миқёслари жиҳатидан мисли кўрилмаган вазифаларни олға сурдики, улар ғоят қисқа тарихий муддатларда ҳал этилиши лозим.

Марказий Комитет **жадаллаштиришга, қайта қуришга, совет жамиятининг сифат жиҳатидан янги ҳолатига эришишга қаратилган йўлни ғоявий-назарий фаолиятни активлаштирмай, ривожланаётган социализм ижтимоий муносабатларини такомиллаштириш борасидаги амалий тадбирларни илмий жиҳатдан пухта таъминламай туриб рўёбга чиқаришни тасаввур этиб бўлмайди,** деган қатъий ишончга асосланади.

Бир вақтлар Маркс ва Энгельс пролетариат баррикадаларда ўз ғалабасини курашиб қўлга киритгунга қадар у ўзининг бир қанча интеллектуал ғалабалари ҳукмронлиги бошланганлиги тўғрисида дарак беради, деб ёзган эдилар.

Биз ҳозирги даврга татбиқан шуни айта оламизки, биз жамиятимизнинг сифат жиҳатидан янги ҳолатига эришгунимизга қадар катта-катта интеллектуал ғалабаларга эришишимиз, назария соҳасида, ҳаётдаги янги ҳодисалар ва жараёнларни ижодий идрок этишда анча олға силжишимиз керак.

Назария фақат истиқболдаги социал ва сиёсий йўналиш учунгина зарур бўлиб қолмай, у бизнинг олға томон қўядиган деярли ҳар бир қадамимиз учун ҳам зарурдир. Қандай бўлмасин, бирорта ҳам йирик амалий масала идрок этилмаса ва назарий жиҳатдан асосланмаса, уни ҳал этиб бўлмайди. Назарий фаолиятнинг ўзи социалистик ва коммунистик қурилишнинг энг муҳим ҳаракатланувчи кучларидан бири, қайта қуришнинг ғоят муҳим воситаси бўлиб қолмоқда.

Назарий тафаккур аввало социализм ҳозирги босқичи хусусиятларини, унинг 2000 йилгача ва ундан кейинги даврда сифат жиҳатдан янги ҳолатга эришиши айрим босқичларини тўлароқ ва чуқурроқ кўрсатиб бериши керак. Бу тафаккур умуман ҳозирги дунёнинг илмий-объектив манзарасини чизиб бериши лозим.

Буларнинг ҳаммаси оддий масалалар эмас. Шулардан фақат бирини олиб кўрайлик. Инсонни ҳар томонлама камол топтириш бизнинг идеалимиз бўлиб, у одамларнинг ортиб бораётган моддий ва маънавий талаб эҳтиёжлари тобора тўлиқроқ қондирилишини назарда тутади. Бунда моддий тараққиёт интеллектуал ва маънавий бойликлар билан қўшиб олиб борилиши муҳимдир.

Биз тажрибадан шуни биламизки, инсон ва жамиятдаги маънавий, ахлоқий негизлар қашшоқлашиб қолган тақдирда истеъмолчилик кайфиятлари, молпарастлик муқаррар кучаяди, ички дунё қашшоқлашиб боради. Кўриб турибмизки, эҳтиёжларни ошириш қонуни бир хилда ва автомат тарзда таъсир қилмайди. Бунда проблема бор, бўлганда ҳам жуда катта проблемадир. Зотан уни инсон ҳаёти ва уни камол топтиришнинг барча омиллари билан ўзаро боғлиқ ҳолда ҳал этиш лозим.

Авж олаётган қайта қуриш ижтимоий фанлар бутун системасига ғоят масъулиятли социал вазифани юклайди. Ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатлари диалектикаси, социалистик мулк, кооперация, халқнинг ўзини-ўзи бошқаруви ва демократияси, ижтимоий онгни ривожлантириш, салбий ҳолатларнинг сабаблари ва уларни бартараф этиш йўллари тўғрисидаги ва бошқа кўпгина нарсалар ҳақидаги бизнинг тасаввурларимиз ҳозирги турмуш материали асосида бойитилишга муҳтождир.

Партия ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш, илғор технологияларни қўллаш, ишлаб чиқариш муносабатларини сифат жиҳатдан такомиллаштириш, хўжалик юритиш ва бошқариш формаларини ўзгартириш йўлидаги курашимизга иқтисод фанининг тобора кўпроқ ҳисса қўшишига умид боғламоқда.

Бусиз жадаллаштиришнинг асосий омил — инсон омилини «ишга солиш»нинг иложи йўқ.

Хуллас, КПСС Марказий Комитети назарий фронтни активлаштиришни ғоят муҳим вазифа деб билади. Бу стратегиямизнинг ажралмас таркибий қисми, кечиктириб бўлмайдиган ва объектив социал эҳтиёждир. Бу йўлда кўп нарсадан воз кечиш, кўп нарсани эса янгидан бошлаш керак.

Мен нимани назарда тутяпман?

XXVII съезднинг программавий ҳужжатларида, КПСС Марказий Комитетининг «Коммунист» журнали тўғрисида» яқинда қабул қилган қарорида жамиятшуносликни қайта қуриш зарурлиги ҳақида гапирилади. Жамиятшуносликнинг проблемавий йўналишлари, бундай ишнинг конкрет йўллари ва методлари белгиланди. Сизлар бу ерда ана шу масалаларни муҳокама қиласизлар.

Мен ўзимнинг шу хусусдаги фикримни айтиб ўтмоқчи эдим. Аввало гап жамиятшуносликнинг умуман фан ичидаги, шунингдек анча кенгроқ — ижтимоий ва умумбашарий миқёсдаги роли ва аҳамияти ўзгарганлиги тўғрисида бориши керак, деб ўйлайман. Жамиятда содир бўлаётган сифат жиҳатдан чуқур, айтиш мумкинки, революцион ўзгаришлар биргина жамиятшуносликни шунчаки қайта қуришни эмас, балки унга нисбатан бошқа фанларнинг, шу жумладан умуман жамиятнинг муносабатида ҳам бир қанча муҳим силжишларни тақозо этади.

Равшанки, турмушимизни қайта қуриш, уни янгилаш давомида ғояларнинг, психологик йўл-йўриқларнинг, тафаккур ва хулқ-атвор услубларининг ҳамиша ҳам ошкора бўлмаган, аммо муросасиз ўткир кураши боради. Эскилик курашсиз таслим бўлмайди, у ҳаётнинг жўшқин маромига ҳар хил пуч ҳийла-найранглар билан мослашишнинг янги формаларини топади. Бунинг устига «жадаллаштириш», «қайта қуриш» деган тушунчаларнинг ўзини ҳам баъзида уларнинг янгилиги ва революцион моҳиятини пучга чиқаришга уриниб, умрини яшаб бўлган ақидалар ва қолиплар доирасига тиқишга ҳаракат қилмоқдалар.

Лекин ҳозирги жараёнларни эски қоидаларга мослаштириб бўлмайди. Ҳозирги турмуш диалектикасини ифода этувчи янги хулосаларни ишлаб чиқиш керак ва буни ижодий муҳитдагина қилиш мумкин. Ҳақиқатни излашга турли нуқтаи назарларни қиёслаш, мунозара ва муҳокама қилиш, бир қолипдаги эски тушунчалардан воз кечиш йўлидан бориш лозим.

Шу боисдан биз янги ғояларни олға суришда дадиллик, ташаббускорлик зарурлиги тўғрисида алоҳида куч билан қатъий гапирмоқдамиз. Шу боисдан ҳозир партия «ҳақиқат пайти» тўғрисидаги, ҳаётда ҳам, фанда ҳам ҳақиқатни қарор топтириш тўғрисидаги масалани шу қадар ўткир қилиб қўймоқда. Партия уни ўрганиши ҳамда унинг муаммоларини ҳал этишнинг тўғри ва самарали йўлларини топиши керак. «Инсон бахти учун йўл» излашни истовчиларнинг биринчи вазифаси, — деб таъкидлаган эди Ленин, — ўз миясларини ўзлари айнитмасдан ҳақиқатда бор нарсани дадил ва очиқдан-очиқ эътироф қилишдан иборат».

Ҳаммамиз эгаллаб олишимиз лозим бўлган янгича тафаккур, — диалектик тафаккурдир, диалектика эса К. Маркс ёзганидек, «Ҳеч нарсага бўйин эгмайди ҳамда ўз моҳиятига кўра танқидий ва революцион диалектикадир». Марксизм ҳам «тўла-тўкис ва ҳеч сўзсиз» шундай фазилатга эгадир.

Ҳозир жамиятшунослар олдида ҳаёт талабларидан узоқлашганликни бартараф этиш вазифаси турибди. Жамиятшуносликнинг бутун жабҳасини амалиёт томон қатъиян буриш биз учун ниҳоятда зарурдир. Партия съездимиз масалани мана шундай ўртага қўйди. Кенгашингизнинг иши ҳам айни мана шу йўналишда ўтишига аминман.

Фақат шуни таъкидламоқчиманки, назария билан практиканинг алоқасини мустаҳкамлаш шунчаки бир умумий даъват эмас, бу — жамиятшуносликни қайта қуриш калити, олимлар, ўқитувчиларнинг иш принципидир.

Яна бир нарса ҳақида: практика — билиш асоси ва ҳақиқат мезонидир. Биз буни аллақачон ўзлаштириб олганмиз, сизлар студентларни мана шунга ўқитмоқдасиз. Лекин назария билан практиканинг алоқаси диалектик алоқа эканлигига ҳамиша ҳам тушуниб етиладими? Назарий вазифаларни амалий вазифалардан ажратиб бўлмайди. Лекин назарияни шунчаки фактларни қайд этиш билан ҳам алмаштириш мумкин эмас. Назария практикадан илдам бориши, ҳодисаларни кенгроқ қамраб олиб, чуқурроқ назар ташлаши, «давр яширган нарсаларни» кўра билиши керак.

Фан, назария одатдаги ҳаракат усуллари «иш бермай қолган», аввалги тажриба ва амалий ақл-идрок энди керакли маслаҳатни бера олмайдиган, принципиал янги ечимлар, ностандарт ҳаракатлар зарур бўлган жойда ва пайтда бебаҳодир.

**Фан ёшларни мустақил, ижодий фикр юритадиган қилиб камол топтириш, тарбиялаш, шундай қобилиятни сингдириш зарур бўлган жойда ва шунинг учун керакдир.**

Рўй-рост ва очиқ-ойдин айтаманки, ижтимоий фанларни ўқитишнинг ҳозирча ташкил этилиши ва унинг мавжуд формалари, методлари биз догматизм, схоластика деб атаётган нарсага кўп жиҳатдан имкон бермоқда. Ҳаётда учрайдиган ҳар қандай ҳодисаларга яроқли бўлган йўл-йўриқларни ҳаммага маълум ҳақиқатдан излашга мойиллик юзакичиликдан, тафаккурнинг ижодий ишлашига эмас, балки умумий қоидаларни ўйламасдан ёд олишга умид боғлашдан юзага келади.

**Маълумки, Ленин ўйлаб иш қилишни ёд олишга, қироатхонликка қарши қўйган эди.** Ижтимоий фанларни ўқитишда эса кўпинча худди мана шу нарса етишмаяпти.

(Давоми иккинчи бетда).

# Кремлда учрашув

КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев 30 сентябрь куни ПХР партия-давлат делегациясига бошчилик қилиб, МХР, КХДР ва ХХРга боргандан кейин Москвада қисқа муддат тўхтаган ПБИП Марказий Комитетининг биринчи секретари, ПХР Давлат Кенгашининг Раиси В. Ярузельский билан учрашди.

М. С. Горбачев билан В. Ярузельский суҳбати самимийлик ва тўла ҳамжиҳатлик муҳитида ўтди.

В. Ярузельский шу куни Москвадан Ватанига жўнаб кетди. (ТАСС).

# ТЕРИМ ИЛҒОРЛАРИГА БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети 1986 йил сентябрь ойининг учинчи ўн кунлигида давлатга пахта сотиш юзасидан областлар, районлар, совхозлар ва колхозлар ўртасидаги социалистик мусобақа якунларини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларда қолдирилди:

(Давоми иккинчи бетда).

## Осиё ва Тинч океани ҳавзаси мамлакатлари хотин-қизлар ташкилотларининг регионал семинари

# Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида учрашув

1 октябрь куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида Осиё ва Тинч океани ҳавзаси мамлакатлари хотин-қизлар ташкилотлари регионал семинари қатнашчилари билан учрашув бўлди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номидан семинар қатнашчиларини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев қизғин қутлади.

Учрашувда Ўзбекистон меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг АҚШ Президенти Р. Рейган билан Рейкьявик шаҳрида 11—12 октябрь кунлари бўладиган учрашуви ҳақидаги хабарни чуқур мамнуният билан қабул қилганликлари таъкидлаб ўтилди.

Ўзбекистон жамоатчилиги очилаётган семинарни тинчлик тарафдорлари ҳаракатини кенгайтиришга, ёш авлоднинг бахтли келажаги учун курашга Осиё ва Тинч океани ҳавзаси мамлакатлари хотин-қизлари ҳиссасини оширишга қодир бўлган муҳим воқеа деб баҳоламоқда. Семинар Ер юзи халқлари ҳаётидаги жуда мураккаб ва масъулиятли даврда ўтмоқда. Жаҳон оммавий қирғин қуролларига тўлиб-тошиб кетган ҳозирги кунда янги уруш инсоният учун чинакам ҳалокатга айланиб кетиши мумкин. Шу боисдан ҳам Совет Иттифоқи қурол-яроғларни кўпайтиришни тўхтатиш, ядро хавфини камайтириш ва оқибат-натижада бу хавфни бартараф этишни ўз ташқи сиёсатининг биринчи галдаги вазифаси деб билади. Бир йилдан бери Совет Иттифоқи ўз ихтиёри билан ядро қуроли синовларини тўхтатиб қўйиш тўғрисидаги қарорига амал қилиб келмоқда. Ядро асрида инсониятнинг келажагини қадрлайдиган барча кишилар СССРнинг энг муҳим тинчлик ташаббусини қизғин қўллаб-қувватламоқдалар.

Учрашувда КПСС XXVII съезди халқаро хавфсизликнинг кенг қамровли системасини яратишни ёқлаб чиққанлиги таъкидлаб ўтилди. Осиё ва Тинч океани ҳавзасидек жуда катта регионадаги вазиятни нормаллаштирмай туриб, бундай системани яратиш мумкин эмас. Бу регионда миллиардлаб одамлар яшамоқда ва мураккаб проблемаларни ҳал этаётган ўнлаб давлатлар бор. Аммо бу проблемалар орасида энг асосийси атом уруши хавфининг олдини олишдир. Осиё — Тинч океан регионида халқаро хавфсизликни ва тинч ҳамкорликни таъминлаш программаси Совет Иттифоқи томонидан илгари сурилганди.

Семинар қатнашчилари мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш стратегиясини ишлаб чиққан партия XXVII съезди қарорларини амалга ошириш борасида ҳозирги кунда республика меҳнаткашлари қандай ишлаётганликлари билан таништирилди. Республикада содир бўлган революцион ўзгартишларда хотин-қизларнинг улуши катта эканлиги учрашувда таъкидлаб ўтилди. Ўзбекистон хотин-қизларининг турмушнинг барча жабҳаларидаги хизматлари кенг кўламда эътироф этилди, улар мамлакатнинг халқаро алоқаларини ривожлантиришда, тинчлик учун курашда актив қатнашмоқдалар.

Учрашувда Совет хотин-қизлар комитетининг раиси В. В. Терешкова, Монголия Тинчликни ҳимоя қилиш комитети раисининг ўринбосари С. Удвал, Ҳиндистон парламент ишлари давлат министри Ш. Дикшит, Умумафғон хотин-қизлар кенгашининг аъзоси, АХДП Марказий Комитети бўлим мудирининг ўринбосари Жамила Палваша сўзга чиқдилар.

Учрашувда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, Ўзбекистон ССР Олий Совет Президиуми ва Министрлар Советининг масъул ходимлари қатнашдилар.

(ЎзТАГ).



**СУРАТДА:** Тошкент аэропортида Осиё ва Тинч океани ҳавзаси мамлакатлари хотин-қизлар ташкилотлари регионал семинари қатнашчиларини кутиб олиш.

Б. Юсупов ва А. Кошкин фотоси (ЎзТАГ).

## ТОШКЕНТ МЕҲМОНЛАРНИ ҚУТЛАМОҚДА

1 октябрь куни эрта тонгда Ўзбекистон пойтахти Осиё ва Тинч океани ҳавзаси мамлакатлари хотин-қизлар ташкилотлари регионал семинари қатнашчиларини шод-ҳуррамлик билан кутиб олди. Шаҳар меҳнаткашлари вакиллари аэропортда азиз меҳмонларни самимий табриклаб, нон-туз билан кутиб олдилар.

Сўнгра халқаро хотин-қизлар ҳаракатининг активлари В. И. Ленин номли майдон томон йўл олдилар. Жаҳон пролетариати доҳийси, Коммунистик партия ва Совет давлатининг асосчиси ҳайкали пойига янги очилган гуллар қўйилди. Меҳмонлар Номаълум солдат қабрига ҳам гулчамбар қўйдилар.

Семинар қатнашчилари В. И. Ленин Марказий музейи Тошкент филиалини бориб кўрдилар, республика пойтахтининг диққатга сазовор жойларини ва янги қурилиш районларини кўздан кечирдилар.

(ЎзТАГ).

